

Юридик истеъмолчиларга электр энергияси етказиб бериш Шартномаси

2022 йил “05” Январ 260050 - сон

Хонка туман

“Хоразм худудий электр тармоқлари” АЖ Хонка туман (шахар) электр таъминоти корхонасида “Ишончнома” асосида фаолият юритувчи раҳбари М Атаджанов (кейинги ўринларда Таъминотчи корхона деб аталади) бир томондан ҳамда иккинчи томондан низом асосида фаолият юритувчи истеъмолчи (кейинги ўринларда Истеъмолчи деб аталади) Хонка туман Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бўлими раҳбари И Рузметов билан шартномани қуйидагилар ҳақида туздилар:

I. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1. Ушбу электр энергияси таъминоти шартномасига (кейинги ўринларда – Шартнома деб аталади) мувофиқ, Таъминотчи корхона Истеъмолчига электр энергиясини уланган тармоқ орқали етказиб бериш ва Истеъмолчи истеъмол қилинган энергия учун ўз вақтида ҳақ тўлаш мажбуриятини олади.

II. ЕТКАЗИБ БЕРИЛГАН ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯНИ ХИСОБГА ОЛИШ

2.1. Электр энергияси истеъмолининг йиллик шартномавий ҳажми:
актив энергияси **702** кВт/соат;
реактив **0** кВар/соат.

2.2. Етказиб бериладиган электр энергиянинг шартнома тузилган кундаги умумий нархи **315900** сўмни, тариф бўйича **450** сўмни ташкил этади. Тариф турлари
_____ бир ставкали _____.

табақалаштирилган, бир ставкали, (тегишлиси ёзилади)

2.3. Истеъмолчига етказиб бериладиган электр энергиясининг ойлар кесимидаги йиллик ҳажми ушбу Шартномага 1-иловада келтирилган.

Таъминотчи корхона томонидан хизматларни тўлиқ ҳажмда кўрсатиш учун электр таъминотида танқислик юзага келган тақдирда, Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 24 декабрдаги 277-сон қарорида қайд этилган стратегик ва ижтимоий аҳамиятга эга истеъмолчиларга зарур бўлган электр энергиясининг минимал ҳажмини, шу жумладан чораклар ва ойлар бўйича Истеъмолчи билан белгиланган ва олдиндан келишилган тартибда етказиб берилишини таъминлаши шарт (7-илова).

2.4. Истеъмолчи томонидан истеъмол қилинган электр энергиясининг ҳақ тўланиши лозим бўлган ҳажми ушбу Шартномага 2-иловада назарда тутилган ҳисобга олиш приборларининг кўрсаткичлари асосида, ҳисобга олиш приборлари уланган ток ва кучланиш трансформаторларининг трансформация коэффициентларини инобатга олинган ҳолда аниқланади.

2.5. Истеъмолчининг (тадбиркорлик субъектларидан ташқари) электр энергиясини ҳисобга олиш приборлари, шунингдек электр энергиясини ҳисобга олишнинг бошқа воситалари (*ўлчов трансформаторлари, автоматлар, симлар ва бошқалар*) истеъмолчининг маблағлари ҳисобига сотиб олинади, давлат қиёсловидан ўтказилади, Таъминотчи корхона томонидан бепул ўрнатилади, пломбланади ва рўйхатдан ўтказилади.

Тадбиркорлик субъектларининг электр энергиясини ҳисобга олиш электрон приборларини сотиб олиш, ўрнатиш, рўйхатга олиш, даврий давлат қиёсловидан